



## ТАСАВВУФНИНГ БОСҚИЧЛИ; ШАРИАТ, ТАРИҚАТ, МАЪРИФАТ ВА ҲАҚИҚАТ

Тўланова Зулхумор  
Рашидова Шоҳсанам

**Аннотация:** Ушбу мақолада тасаввуф таълимоти унинг ўзига хос жиҳатлари ва босқичлари ҳақида ёритилади.

**Калит сўзлар:** Тасаввуф, тасаввуф адабиёти шариат, тариқа, маърифат ва ҳақиқат

Адабиёт гўёки туби кўринмас бир денгиз. Унинг ҳар турли йўналишлари, бетакрор жиҳатлари мавжуд. У инсонга завқ ва роҳат бағишлайди. Адабиётни ўз ичида турли қисмларга бўлиш мумкин.

Мумтоз адабиёт, замонавий адабиёт, тасаввуф адабиёти кабилардир. Буларни исталганча давом эттириш мумкин. Шулар адабиёти кенг кўламлиги, ўзгачалиги билан ажралиб туради. Аввало, Тасаввуф ўзи нима? деган саволга жавоб излаб кўрамиз.

Тасаввуф сўзи қайси сўздан келиб чиққанлиги ҳақида, бунинг сабаби шуки, тасаввуф ҳақиқий инсонпарвар таълимот. Тасаввуф йўлига кирган инсон ўз нафси билан курашишни бошлайди, дунёдан воз кечиб Аллоҳнинг висоли томон интилади, бу йўлда турли синовларни бошидан ўтказди. Тасаввуфнинг босқичларини босиб ўтади. Улар қуйидагилар; шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат.

1. **Шариат** – ислом маросимларини, шариатнинг амалий талаблари қонун-қоидаларини билиш ва уларга риоя этиш.

2. **Тариқат** – сўфий томонидан восил бўлиш танланган йўл. Бунда сўфий ўз нафсидан вос кечиб, бирор бир пир йўлини танлайди ва унинг амалларини унга эргашган ҳолда бажариб боради.

3. **Маърифат** – сўфий томонидан Аллоҳни таниш ва уни қалбан билиш. Шу билан бирга Аллоҳни бутун мавжудоднинг, борлиқнинг асосчиси, яратувчиси эканлигини билишдир. Бу босқичдаги инсон ориф деб аталади.

4. **Ҳақиқат** – бу босқичда сўфий Аллоҳ васлига етади. Бу даражага етган сўфий авлиёлик амал-ҳалоллик даражасига эришган бўлади.

Ўтмишдан ҳақ йўлидан юрган турли тариқатларга асос солган, ана шу босқичлардан ўтиб, Аллоҳ учун яшаган авлиёлар ўтган. Улар Б.Нақшбандий А.Яссавий, Н.Кубро, А.Филоний кабилардир. Улар чин маънодаги пок инсонлардир.

Баҳоуддин Нақшбандий – “Нақшбандия” тариқатига, Ахмад Яссавий – “Яссавия” тариқатига, Нажмиддин Кубро – “Кубровия” тариқатига, А.Филоний - “Қодирия” тариқатига асос солган. Бу зотларнинг асл мақсади



халқ билан бирга бориб, халқ ризолигига эришиш эди ва улар бу мақсадларга эришган зотлардир.

Бугунги кунда ҳам юртимизнинг қайсидир нуқталарида ана шундай авлиёсифат инсонлар мавжуд. Уларни топиш ва ҳамсуҳбат бўлиб тасаввуф қилиш кифоя. Чунки тасаввуф бизнинг тасаввуримиздаги мавжуд таълимотдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Н.Комилов “Тасаввуф” Тошкент “Ўзбекистон” – 2009
2. А.Ш.Жузжоний “Тасаввуф ва инсон”, Тошкент “Адолат” – 2001
3. М.Хажиева, “Хожа Ахмад Яссавий таълимотида тасаввуф”, “Урганч” – 2015
4. Д.Қуронов “Адабиётшунослик луғати”, “Тошкент” - 2013